

## СИНОНИМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИДАГИ ҚАРАШЛАР

*Навоий давлат педагогика институти докторанти,*

*Инглиз тили ва адабиёти факултети ўқитувчиси*

***Гаппарова Меҳрибон Тулқин қизи***

**Аннотация.** Ушбу мақолада сининимлар ҳақида турли миллат ва давлат тилшуносларининг қарашлари келтирилади ва қиёслаш орқали таҳлил қилинади

**Калит сўзлар:** синоним, луғат бойлиги, синонимларнинг кўлами, денотатив маъноси, синонимия ҳодисаси

Abstract. In this article, the opinions of linguists of different nationalities and countries about synonyms are presented and analyzed by comparison

Key words: synonym, vocabulary, difference of synonyms, denotative meaning, phenomenon of synonymy

Аннотация. В данной статье представлены и проанализированы в сравнении мнения лингвистов разных национальностей и стран о переломах.

Ключевые слова: синоним, лексика, объем синонимов, денотативное значение, явление синонимии.

Адабий тил тараққиётида лисоний омиллар муайян тилнинг луғат бойлигига таянади. Тилнинг луғат бойлиги синонимларнинг кўлами кенглиги билан белгиланади. Тилдан ташқарида мавжуд бўлган факторлар, яъни нолисоний омиллар (ижтимоий тузум шакллари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривож, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонлар каби) ҳам синонимлар кўламининг кенгайишига сабаб бўлади.

Маълумки, тилларда синонимия ҳодисаси умумий тилшуносликдаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Синонимия – бу тилдаги маъно жиҳатдан бир хил ёки ўхшаш маъноли, аммо талаффузи, ёзилиши ёки келиб чиқиши жиҳатидан бир бирига ўхшамаган икки ёки ундан ортиқ тил бирликларидир.

“Синонимлар (юн. *synonymos*– бир номли) – бир умумий маънога эга бўлган (денотатив маъноси бир хил), қўшимча (коннотатив) маъноси (экспрессив, услубий ва б. муносабат кабиларни ифодаловчи хусусиятлари) билан ўзаро фарқланадиган тил бирликлари – сўз, ибора, синтактик бирлик ва бошқалар. Масалан бошқатдан, қайта, қайтадан, янгидан, яна, такрор сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади»<sup>1</sup>

“Айрим тилшунослар синонимлар ҳақида шундай фикр билдиради: “Тил бирликларининг (сўзлар, иборалар ва бошқалар) бир хил денотатив маънога эга бўлиши асосидаги гуруҳланиши синонимия дейилади.”<sup>2</sup> Кўринадики, маълум бир сўзларнинг ўзаро умумий бир хил маънони ўзида намоён этадиган сўзларни-маънодош сўзлар яъни синонимлар деб аташимиз мумкин экан.

Таққосланаётган сўзларнинг контекстини доимо аниқлаб олиш муҳим, чунки бир сўзнинг турли маънолари туфайли у турли семантик тоифаларга кириши ва турли сўзларнинг аналоги сифатида ишлатилиши мумкин. Инглиз тилшуносларини ҳам “Сўз синонимга эга бўлиши учун қанчалик маъно жиҳатдан яқин бўлиши керак?” деган савол доимо қизиқтириб келган. Инглиз тилидаги синоним тоифалар кўпинча инглиз лексикасининг тарихий ривожланишини, айниқса унинг эволюциясида турли тилларнинг иштирокини кузатиш имконини беради. Дарҳақиқат, инглиз лексикаси жуда кўп сонли синонимларни ўз ичига олади, бу қарзга олинган сўзларнинг сезиларли оқими билан изоҳланади. Н.М. Раевская синонимларнинг қуйидаги таснифини таклиф қилади: идеографик синонимлар ва стилистик синонимлар. У биринчисини синонимлар сифатида

---

<sup>1</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/sinonimlar-uz>

<sup>2</sup> АнвароваФ.Синонимларнинг ишлатилиши. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 6. June 2022. –Б.878-881.*].

тасвирлайди, улар “маънонинг турли хил белгилари ёки маълум сифатнинг турли даражаларини белгилайди”. Идеографик синонимлар бир ёки бир нечта денотатив маънода деярли эквивалентдир; шунинг учун улар ҳеч бўлмаганда баъзи контекстларда ишлатилиши мумкин, масалан, *different – various*. Аксинча, стилистик синонимлар баҳоловчи, эмоционал-экспрессив маънолар билан фарқланади. Маълумки, лексик birlikларнинг синонимиясини белгилашнинг асосий мезони уларнинг умумий концептуал ўзаро боғлиқлигидир. Айрим лексик birlikларнинг синонимиясини аниқлашнинг яна бир мезони уларнинг контекстдаги алмашилишидир. Синонимлар одатда бир ёки бир неча жиҳатдан фарққа эга бўлади, шулардан яна бири маъно қиррасидаги фарқ бўлиши мумкин. Синоним ибораларбир-бири билан маъно нозиклиги, услубий бўёғи ёки бир вақтда иккаласига кўра фарқланади. Дарҳақиқат, тилларда айниқса инглиз ва ўзбек тилларида нутқни ифодалашда синонимлардан фойдаланиш жиҳатидан ниҳоятда кенг. Мулоқотда ўхшатишлар, таърифлар синонимик ҳодисасини ниҳоятда серқирра эканлигини кўрсатади. Маънодош сўзлар орқали чиройли ўхшатишлар филология соҳасининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

“Н.М. Раевская синонимларнинг пайдо бўлишини қуйидаги манбаларини кўрсатган:

1. Она тилидан денотатив маънонинг турли тусларини билдирувчи синонимлар: *fast – speedy – swift; handsome – pretty – lovely*.

2. Инглиз тилининг турли диалект ва вариантларидаги синонимлар: *radio (British English) – wireless (American English), long ago – langsyne (Scot.)*.

3. Бошқа тиллардан ўзлашган синонимлар: *end (Native) – finish (French) – complete (Latin)*;

4. Экспрессив хусусиятга эга бўлган мажозий ишлатилишидаги каби синонимлар: *walk of life – occupation; star-gazer – dreamer*.

5. Эвфемизмлар ҳиссий жиҳатдан нейтрал сўз ва иборалар бўлиб, кўпол, хушмуомала бўлиб туюладиган синоним сўзлар ва иборалар ўрнига қўлланилади:

sweat – perspiration; drunkenness – intoxication; naked – in one’s birthday suit; poor – unprivileged.”<sup>3</sup>

Инглиз тилида синонимлар бир хил маънога эга бўлган ва ўхшаш вазифаларни бажарадиган сўз ва сўз бирикмалари бўлиши мумкин. Сўзлар ўртасидаги семантик муносабатларни аниқлаш ва ўрганиш методологиясини қўллаш орқали феълларнинг семантик таркибида масалан, “to think” умумий элементи борлигини таъкидлаш мумкин: «to believe», «to consider», «to suppose», «to imagine», «reckon», «to judge», «to regard», «to fancy», «to surmise», «to deem», «to guess», «to conceive», «to opine», «to ween», «to presume», «to hold», «to assume», «to calculate», «to count», «to dream», «to expect» Таъкидлаш лозимки, тилларда синонимия ҳодисаси бугунги кунда нафақат инглиз, ўзбек ва рус тилшуносликлари, балки бошқа тиллар назария ва амалиётида ҳам махсус монографик тарзда ўрганилган ва ўрганилмоқда. “Олиманинг диққатга сазовор хулосаларидан бири синонимлар ҳеч бўлмаганда баъзи контекстларда бир-бирини алмаштирадиган бир ёки бир нечта бир хил маънога эга бўлган нутқ денотатив маънода сезиларли ўзгаришсиз, лекин морфемик жиҳатдан фарқланади композиция, фонематик шакл, маъно, коннотация, аффектив маъно, услуб, ҳиссийранг баранглик ва валентлик синонимик гуруҳ элементларидан бирига хослиги”<sup>4</sup> сифатида изоҳланишидир. Инглиз тилшунослари синонимлар борасида яна қуйидаги фаразни илгари суришади: “Уларни мутлақ синоним деб аташ учун уларда маънолар бир хил тақсимотга эга бўлиши, барча маъноларва кўринишларида тўлиқ мослик мавжуд бўлиши лозим. Мутлақ синонимия мавжуд бўлиши учун бир хил семантик хусусиятларга эга бўлар эди. Афсуски, синонимларни барча контекстларда ишлатиб бўлмайди ва, эҳтимол, ҳеч қандай сўзнинг мутлақ синоними йўқ. Кўпгина шароитларда ва контекстларда синонимларнинг таърифини назорат қилувчи ва олдини оладиган бир қанча омиллар мавжуд. Сўзларнинг маънолари доимо ўзгариб туради ва тил

---

<sup>3</sup> Rayevska, N. M. (1979). English Lexicology (4th ed.). Kiev: Vysca Skola Publishers.

<sup>4</sup> Arnold I. V. (1986). The English Word. Moscow: Vysshaja škola.

мутлақ синонимларни йўқ қилишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат, ўз ўрнида, синонимияни замонавий тилшуносликнинг энг мунозарали масалаларидан бирига айлантиради.

Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тилларида синонимларнинг пайдо бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, синонимлар одамнинг объект ёки воқелик ҳодисасини ифодалашда янги тушунчаларни излаш ва уларни мавжуд тушунчаларга ўхшаш сўзлар ёрдамида ифодалаш истаги туфайли пайдо бўлади. Бундай сўзлар тилда муайян нарса ёки ҳодисаларни билдириш учун аллақачон мавжуд бўлади.

Иккинчидан, синонимлар тилларда ўхшаш ёки маъносига мос келадиган сўзларнинг таъсири туфайли пайдо бўлиши мумкин.

Учинчидан, нутқнинг турли услублари ёки сўз туркумлари бир хил объект ёки ҳодиса учун турли хил номлардан фойдаланиши мумкин.

Тўртинчидан, баъзи ҳолларда объект, хусусият ёки ҳодисага бошқа ҳиссий баҳо берилиши мумкин

Хулоса шуки, таққосланаётган сўзларнинг контекстини доимо аниқлаб олиш муҳим, чунки бир сўзнинг турли маънолари туфайли у турли семантик тоифаларга кириши ва турли сўзларнинг аналоги сифатида ишлатилиши мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Arnold I. V. (1986). The English Word. Moscow: Vysšaja škola.
2. Анварова Ф. Синонимларнинг ишлатилиши. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 6. June 2022. –Б.878-881

### ФОЙДАЛАНИЛГАН САЙТ

1. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/sinonimlar-uz>